

## ШАРТНОМА № 65237

Махсус ахборот порталида 17.08.2022 йилда соат 10:28 да (лот № 22111007098987) ўтказилган электрон давлат харидлари натижаси бўйича товар етказиб бериш тўғрисида

(Бюджет буюртмачи учун аукцион)

г. Ташкент  
(шартнома тузилган жой)

17 август 2022г.  
(шартнома тузилган сана)

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб аталувчи, Бюджет буюртмачиси бўлган Бухарский инженерно-технологический институт, номидан \_\_\_\_\_ асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ бир тарафдан ва кейинги ўринларда "Ижрочи" деб аталувчи ятт кулдашев номидан \_\_\_\_\_ асосида иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи тарафдан, биргаликда «Тарафлар» деб аталувчилар Махсус ахборот порталида ўтказилган электрон давлат хариди натижаси бўйича қуйидагича шартнома туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Буюртмачи товар учун жами тўловни амалга оширади ва товарни қабул қилиб олади, Ижрочи товарни қуйидаги шартларда етказиб беради:

№	Номланиши	Товарнинг хусусиятлари	Сони	Товар бирлигининг бошланғич нархи	Таклиф этилган жорий нарх.	Шартнома суммаси	Ишлаб чиқарган мамлакат
1	Отвод		12 шт	25 000.00	24 000.00	288 000.00	O'zbekiston

Шартноманинг умумий суммаси 288 000.00 (Икки юз саксон саккиз минг сум ) (ташкил этади).

Товарнинг батафсил тавсифи:

Отвод	Темир отвод д 76 мм
-------	---------------------

### Алоҳида шартлар:

1. Товар батафсил тавсифда кўрсатилган барча техник талаблар ва параметрларга жавоб бериши керак.

### 2. ТЎЛОВ ТАРТИБИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

2.1. Буюртмачи шартнома суммасининг 100% миқдориди тўловни Операторнинг Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ҳазначилигидаги ҳисобрақамига шартнома Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими(бундан кейин ДМБАТ)да қайд этилган ёки қабул қилингандан бошлаш 10 иш куни ичида ўтказади.

2.2. Ижрочи тўлов амалга оширилганлиги тўғрисида ҲҚҚП дан хабарнома олгандан бошлаб 7 иш куни ичида товарни етказиб бериши шарт.

2.3. Буюртмачи товарнинг сони тўлиқлигини, бутлигини, сифатини ва эълонда ёки офёртада кўрсатилган бошқа талабларга мувофиқлигини Ижрочининг иштирокида текшириб қабул қилиб олиши шарт.

2.4. Барча транспорт харажатлари Ижрочи томонидан қопланади (агар мазкур шартномада бошқа шартлар белгиланмаган бўлса).

2.5. Ижрочи томонидан товарни етказиб берилганлиги ва Буюртмачи томонидан текшириб олинганлиги Ижрочи расмийлаштирган ҳисоб-фактурани Тарафлар томонидан имзоланиши билан тасдиқланади.

2.6. Буюртмачи товарни қабул қилиб олгандан бошлаб 3 кун ичида бу ҳақида бюджет ташкилотларининг автоматлаштирилган тизими (бундан кейин УзАСБО) орқали ДМБАТга хабарнома юбориши лозим.

2.7. УзАСБО Буюртмачининг товарни қабул қилганлиги тўғрисидаги хабарини олгач, бир иш кунида Операторга маълумотлар базасининг ўзаро электрон алмашинуви орқали хабарнома юборади. Олинган хабарнома асосида Оператор 1 иш кунида электрон шаклда тўлов топшириқномасини шакллантириб ДМБАТга юборади. Тўлов топшириқномасини қабул қилгандан 1 иш кун ичида ДМБАТ тўлов маблағини Ижрочининг ҳисобрақамига ўтказади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга: Ижрочидан мазкур шартноманинг 1-бандига мувофиқ бўлган миқдордаги

ва сифатдаги товарни етказиб беришни талаб қилиш; Ижрочи талаб даражасидаги сифатга эга бўлмаган товар етказиб берганда Ижрочидан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли: -талаб даражасидаги сифатли товарга алиштириб беришни; -етказиб берилган товардаги камчиликларни Ижрочи ҳисобидан бартараф этилишини; - мазкур шартнома шартларини бажармаганлик ёки белгиланган даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашни.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: Битим суммасининг 100%миқдоридаги тўловни мазкур шартномада кўрсатилган муддатда Операторнинг Молия вазирлиги Ҳазначилигидаги махсус ҳисобрақамига ўтказиши лозим. товарни етказиш ва қабул қилиб олиш саналарини Ижрочи билан шахсий кабинет орқали хабарлашиб келишиб олиш; Махсус порталда жойлаштирган эълони (талаби) бўйича етказиб берилган товарни мазкур шартномада кўрсатилган муддатларда қабул қилиб олиш. товар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги хабарни белгиланган муддатда УзАСБО орқали ДМБАТга юбориш.

3.3. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга: Буюртмачи билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин етказиб бериш; Буюртмачининг ўзи томонидан берилган талабномага мос бўлган товарни қабул қилиб олишни рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Ижрочининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат: Буюртмачига товарни мазкур шартномага мувофиқ сифат ва миқдорда ва белгиланган саналарда етказиб бериш; товарни етказиб бериш санаси ва вақтини шахсий кабинет орқали Буюртмачи билан келишиб олиш; товарни етказиб бериш жараёнида аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига кўра етказиб беришнинг белгиланган муддатигача бартараф этиш.

3.5. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва мазкур шартнома талабларига мувофиқ ижро этилиши лозим.

3.6. Тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилишини таъминлаганларида Шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ**

4.1. Буюртмачи ва Ижрочи мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ва бузганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Тарафлар қонунчиликда белгиланган форс-мажор ҳолатлари мавжудлиги натижасида шартномада белгиланган мажбуриятларини бажариш иложсизлигидан тўлиқ ёки қисман бажара олмаганларида жавобгарликка тортилмайдилар.

#### **5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Тарафлар юзага келган баҳс ва мунозараларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Тарафлар юзага келган мунозараларни ҳал этиш учун даъвогарнинг жойлашган ҳудуди бўйича судга мурожаат қилишлари мумкин.

5.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан тартибга солинади.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан тузилган заҳоти кучга киради ва 20\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_гача амал қилади.

6.2. Шартнома муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди.

#### **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олиншига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали)содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш,солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад

эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 8. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

ИЖРОЧИ	БУЮРТМАЧИ
<p>Номи: ятт кулдашев  Манзили: УЗБЕКИСТАН, Бухарская область, Ромитанский район, бухоро в ромитан т  Тел: 936225838  Факс: 936225838  СТИР: 32211891100035  Ҳисобрақам: 20-10-01-0267375-860-001  Р/С: 20218000405551899001  Банк: БУХОРО Ш., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ  МФО: 00088  Шартнома ЭРИ орқали тузилган.</p>	<p>Номи: Бухарский инженерно-технологический институт  Манзили : УЗБЕКИСТАН, Бухарская область, Бухара, Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кучаси 15-уй  Тел: 03652237884  Факс: 03652237884  СТИР: 201504781  Ҳисобрақам: 20-20-06-0045606-860-001  Ҳисобрақам: 100010860064017094100079003  Буюртмачининг Ҳазначиликдаги ҳисобрақами:  400910860064017094100079003  Ҳазначилик бўлинмаси номи:  Ҳазначилик бўлинмаси СТИРИ:  Ягона Ҳазначилик ҳисоби (ЯҲҲ): 23402000300100001010</p> <p>Бош офис:  Номи: Бухарский инженерно-технологический институт  Манзили: УЗБЕКИСТАН, Бухарская область, Бухара. Бухоро шаҳри, К.Муртазоев кучаси 15-уй  Тел: 03652237884  Факс: 03652237884  СТИР: 201504781</p> <p>Шартнома ЭРИ орқали тузилган</p>

### Буюртмачи учун Операторнинг реквизитлари

СТИР 200933985, ОКЭД 66110

Комиссион тўлов учун махсус ҳ/р: 700110860262877950600262006

шартнома тўлови учун махсус ҳ/р: 700110860262877950600262007

Ўзб.Р Ҳазначилик ҳисоб рақами: 23402000300100001010

МФО:00014 ЎзР Марказий банки Бош бошқармаси Ҳисоб-касса маркази СТИР 201122919

**Етказиб берувчи учун Операторнинг реквизитлари**

СТИР 200933985 ОКЭД 66110

Ҳисобрақам: 20208000900600257053

Банк 00491, ХАБ "Трастбанк" ХАБ ББАБ (Бош банк амалиёт бошқармаси)

